

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Эгамбердиев Азизбек Абдумаликович
Андижон давлат педагогика
институтини профессори,
фалсафа фанлари доктори

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистондаги олий таълим трансформацияси жараёнига ижтимоий қатламнинг муносабати ва бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда ҳалқаро тажрибанинг илгор ютуқларини юртимизга олиб кириши йўллари ёритиб берилди.

Калим сўзлар: трансформация, академик мустақиллик, концепция, барқарор ривожланиш, ижтимоий фикр, Хирш индекси.

Аннотация: В данной статье будет освещено отношение социального слоя к процессу трансформации высшего образования в Узбекистане и пути привнесения передовых достижений международного опыта в нашу страну, используя имеющиеся сегодня в Узбекистане ресурсы.

Ключевые слова: трансформация, академическая независимость, концепция, устойчивое развитие, общественное мнение, индекс Хирша.

Abstract: In this article, the attitude of the social stratum to the process of transformation of higher education in Uzbekistan and the ways of bringing the advanced achievements of international experience to our country, using the resources available in Uzbekistan today, will be highlighted.

Key words: transformation, academic independence, concept, sustainable development, social opinion, Hirsch index.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 январь кунини Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: «Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилди. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз» дея таъкидлайди[1]. Янги Ўзбекистон тараққиёти таълим тизимидаги ўзгаришлар муваффақияти билан узвий равишда кечади. Жамият ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга таълим тизимидаги ўсишлар асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакат олий таълим тизими, хусусан, 5 та олий таълим муассасаси трансформация қилиниши белгилаб олинди.

Трансформация муаммоси билан шуғулланган бир гуруҳ европалик олимлар «барқарорлик сари трансформация» тушунчасидан фойдаланишган [2;1-16]. «Exploring the governance and politics of transformations towards sustainability» («Барқарор ривожланиш сари бошқарув ва сиёсат трансформациясини ўрганиш») номли мақолада олимлар трансформация жараёнларини тўртта хил – ижтимоий-техник, ижтимоий-экологик тизимлар, барқарорлик йўллари ва трансформацион мослашувчанлик призмасида таҳлил қилганлар. Муаллифлар бошқарув тизими ҳақида мулоҳаза юритиб, бу борада олиб борилган тадқиқотларни батафсил таҳлил қиладилар. Жумладан, трансформация жараёнлари ягона концепцияга асосланмаслиги зарур ва шу билан бирга, бу жараён кўр-кўрона амалга ошмагани маъқул, деган хулосага келдилар.

“Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim, fan, innovatsiya va ilmiy tadqiqotlarning salmoqli natijalari: muammo va yechimlar” mavzusida Respublika ilmiy anjuman to’plam materiallari 2024-yil 19-aprel kun.

Трансформация жараёнлари, хусусан, ижтимоий трансформациянинг ўтиш босқичлари билан шуғулланган олим Дерк Лурбак (Derk Loorbach) унинг куйидаги босқичларини ажратиб кўрсатади:

- стратегик босқич (ўзгаришлар учун майдон яратиш);
- тактик босқич (ўтиш имкониятлари ва тўсиқлари, ўзгаришлар тартибини ишлаб чиқиш);
- оператив босқич (ўтиш жараёнидаги амалиёт рағбатлантирилади, истиқболли йўналишлар ривожлантирилади);
- рефлексив босқич (иштирокчиларни, ўтиш жараёнини мониторинг қилиш ва баҳолаш).

Ҳар қандай ижтимоий ўзгариш жараёни унинг иштирокчилари учун маълум бир ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, жамият ҳаётининг кенг қамровли йўналишлари – таълим тизими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар трансформацияси мураккаб кечади. Чунки бу тизимларда миллионлаб фуқаролар меҳнат қилади ва узоқ йиллар давомида шаклланган анъаналар ва қоидаларга амал қилиб келинади. Шу сабабли ҳам ўзгаришлар жараёнида ижтимоий фикрни мониторинг қилиш ва уни йўналтириб бормаслик турли салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу нуқтаи назардан олий таълим ҳам энг консерватив тизимлардан биридир. Дастлабки олий таълим муассасалари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам илк ўрта асрларда пайдо бўлган бўлса, таълим бериш шакллари (профессор-талаба) ханузгача ўзгармасдан келмоқда. Трансформация эса минг йиллик қоидаларни қисқа муддат (ўн йил)да ўзгартиришни талаб этади. Бу жараён оғриқли ва маълум бир йўқотишлар ҳисобига кечишига давлат ҳам, жамият ҳам тайёр бўлиши керак. Мисол учун, ҳозирги кундаги инглиз тилини билиш, Хирш индекси ва АКТни ўзлаштириш талаблари ўрта ёшдан юқори профессор-ўқитувчилар учун жуда катта муаммо яратади. Олий таълим трансформацияси эса айнан профессор-ўқитувчилар контингентининг билим даражаси, хусусан, уларнинг инглиз тили ва ахборот-коммуникацион технологияларни ўзлаштириш даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL: <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (Мурожаат этилган сана: 12.01.2021 й.).
2. James Patterson, Karsten Schulz, Joost Vervoort, Sandra van der Hel, Oscar Widerberg, Carolina Adler, Margot Hurlbert, Karen Anderton, Mahendra Sethi, Aliyu Barau. Exploring the governance and politics of transformations towards sustainability // Environmental Innovation and Societal Transitions. 2017. Vol. 24. –P. 1-16. URL: <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2210422416300843>
3. Loorbach D. Transition management for sustainable development: a prescriptive, complexity-based governance framework // Governance: An International Journal of Policy, Administration, and Institutions. 2010. Vol. 23(1). P. 161-183.